

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ - КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

*Азизтоева Феруза Алномишевна*  
*ЖПИ, “Иқтисодиёт ва менежмент”*  
*кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Замонавий глобаллашув даврида рақамли иқтисодиёт ва технологиялар, киберфизик ва рақамли ишлаб чиқаришга асосланган Industry 4.0 тизими ривожланиб бормоқда. . Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2019 йилда жаҳон бозорида Industry 4.0 тизими 71,7 миллиард долларни ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 17 фоизга ўсган. сифат жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш самрадорлигининг ошишига олиб келаётганлиги таъкидланади.

**Kalit so'z:** Иқтисодий таҳлиллар, глобал пандемия ва рақамли иқтисодиётнинг, Сунъий ақл соҳаси, илмий тадқиқот марказлари.

**Аннотация.** Разработаны и исследованы современная глобальная цифровая экономика и технологии, киберфизика и эффективная производственная система Индустрии 4.0. . Экономический анализ показал, что в 2019 году система Индустрия 4.0 будет стоить 71,7 миллиарда долларов на рынке Захона, и подчеркивается, что это приведет к повышению эффективности производства с точки зрения качества по сравнению с прошлым годом.

**Ключевые слова:** Экономический анализ, глобальная пандемия и компьютерная экономика, солнечное интеллектуальное поле, научно-исследовательские центры.

**Abstract:** In the era of modern globalization, the Industry 4.0 system based on digital economy and technologies, cyber-physical and digital production is developing. Economic analysis shows that in 2019, the Industry 4.0 system in the world market amounted to 71.7 billion dollars, which is an increase of 17% compared to the previous year it is noted that it leads to an increase in the efficiency of product production in terms of quality.

**Key word:** Economic analysis, global pandemic and digital economy, field of artificial intelligence, scientific research centers.

Бизга маълумки, дунё иқтисодиётида саноат индустриясининг ривожланиши бир қанча босқичлардан иборат бўлиб келган. Замонавий глобаллашув даврида рақамли иқтисодиёт ва технологиялар, киберфизик ва рақамли ишлаб чиқаришга асосланган Industry 4.0 тизими ривожланиб бормоқда. Бу тизим ишлаб чиқариш қиймати занжирини яратишни ўзида мужассамлаштирувчи рақамлардан иборат бўлган тизимдир. Маълумотларда келтирилишича. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2019 йилда жаҳон бозорида Industry 4.0 тизими 71,7 миллиард долларни ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 17 фоизга ўсган. Иқтисодиётнинг шиддат билан ўсиб бориши, 2019-2020 йилларда кузатилган глобал пандемия ва рақамли иқтисодиётнинг иқтисодиёт тармоқларига кириб бориши ҳамда ахборотларга асосланган иқтисодиётнинг ҳукмронлик қилиши корхоналар олдида янги инновацияларни жорий этишни тақозо қилмоқда<sup>1</sup>. Жаҳон илмий тадқиқот марказлари томонидан ўтказилган сўровномага кўра, етакчи компаниялар бугунги кунда рақамлаштириш корхона иқтисодий фаоллигини оширишга катта имкониятлар эшиги очаётганлиги, шунинг билан бирга корхонанинг рақамлаштирилишига ва иқтисодий харажатларнинг қисқаришига ҳамда сифат жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш самрадорлигининг ошишига олиб келаётганлиги таъкидланади<sup>2</sup>.

Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида инновацион муҳит шароитини яратиш, ахборот технологияларга асосланиб комплекс роботлаштириш корхонада фаолият юритаётган ишчи кучига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Сунъий ақл соҳасига киритилаётган инвестициялар ва амалга оширилаётган тадқиқотлар Industry 4.0'нинг тўлиқ амалга ошишини тобора реалликка яқинлаштирмоқда. Сунъий ақлнинг ўзи эса Industry 3.0'нинг якуни ва Industry 4.0'нинг асоси сифатида баҳоланмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнини рақалаштириш ишлаб чиқариш унумдорлигини сифат жиҳатдан яхшиланишига, сарф харажатларнинг қисқаришига ва корхона

рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омил сирасига кириб бормоқда.<sup>3</sup>

Ишлаб чиқариш сарф харажатларининг камайиши қатор жараёнларнинг синхронлаштириш имконини беради, масалан календар йилида ишлаб чиқаришни режалаштириш, корхона ички маълумотларини бир тизимга келтириш, истеъмол талабининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантиришга орлиб келади. Ишлаб чиқариш жараёнида харажатларнинг бундай оптималлаштириш иқтисодий фаолликни оширади ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Шунингдек, корхонанинг рақамли технологиялардан самарали фойдаланиб ишлаб чиқаришни қўллаб қувватланиши унинг янги бизнес моделини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Албатта, максимал фойдага эришиш учун ишлаб чиқаришни ташкил этишдан тортиб маҳсулотни истеъмолчига етказиш жараёнига қадар давом этадиган занжирсимон рақамли технологияли бизнес жараёнда яратилаётган қийматни назорат остига олиш зарур бўлади<sup>4</sup>. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолда, одатда турли кўрсаткичлар билан баҳоланади.

Ушбу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат: рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши, АКТ саноатига киритилган инвестициялар ҳажми, Интернет тезлиги, унинг мамлакат ҳудудини қамраб олиши ва аҳоли фойдаланиши учун қулайлиги, электрон тижоратнинг ривожланиш даражаси,

–Электрон ҳукумат<sup>5</sup> тизимидаги давлат хизматлари улуши, АКТ соҳасидаги мутахассислар билан ташкилотларнинг таъминланиши ва бошқалар.

Бундан ташқари, мамлакатда ахборот технологияларининг ривожланиш даражасини баҳолайдиган халқаро рейтинглардаги кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга. 1-расмда Ўзбекистон Республикасида 2016 йилдан 2021 йилгача иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ва ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонининг ўсиш тенденцияси келтирилган. Мазкур маълумотларига эътибор

каратадиган бўлсак, иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2016 йилда 26048 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 36726 тани ташкил этган. Албатта бундай ўсиш тенденцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона инвестиция сиёсати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболлини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берганлиги билан тавсифланади. Мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшилангани натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг беш ойида 776 та янги қўшма ва хорижий корхона рўйхатдан ўтказилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 496 тага кўпдир. Шунингдек, жорий йилда хорижий инвестициялар иштирокида 377 та ҳудудий ва 148 та тармоқ лойиҳалари бажарилиши белгиланди<sup>5</sup>. Шундай қилиб, Ўзбекистонда фаолият юритаётган миллий ҳамда хорижий корхоналарнинг инвестиция фаолияти натижалари акс этган ҳисоботлари халқаро стандартлар даражасида, ҳаққоний ва шаффофлиги таъминланган ҳолда шакллантирилмоқда. Бу мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини яхшилаш билан бирга, тадбиркорлар манфаатини ҳам оширмоқда. Булар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестиция фаолиятини самарали юритиш бўйича стратегик режалаштириш ва таҳлилини юритиш вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар корхоналар инвестиция фаолияти натижадорлигини ошириш, ушбу фаолиятнинг таҳлил механизмларини такомиллаштириш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини кучайтириш ҳамда инвестиция фаолияти таҳлилининг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.



**1-расм. Иқтисодий фаолият кўрсатаётган ва ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ўсиш тенденцияси<sup>6</sup>**

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

- 1.Веселовский М.Я., Никонорова А.В. Управление инновационным процессом и особенности внедрения инноваций// Вопросы новой экономики. 2014. №2(30). С. 60-67.
- 2.Digital-factories-2020-shaping-the-future-of-manufacturing [Электронный ресурс] <https://www.pwc.de/de/digitale-transformation/digitalfactories-2020-shaping-the-future-of-manufacturing.pdf>.
- 3.Морозов М.А., Морозова Н.С. Ключевые факторы конкурентоспособности в условиях цифровой экономики. В сборнике: Теория и практика развития предпринимательства: современные концепции,цифровые технологии и эффективная система. Материалы VI Международного научного конгресса. Поднаучной редакцией А.В. Шарковой, О.Н. Васильевой, Б. Оторовой. 2018. С. 380-383.
4. Развитие предпринимательства: концепции, цифровые технологии, эффективная система. Монография. -М.: Дашков и К.- 2019. – 605 с
5. Тухтаев З.Э.ШАГИ ПО ПОВЫШЕНИЮ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ. 691-694. "Экономика и социум" №5(96)-1 2022. [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru)
- 6.Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.